

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

1-2-сон
(345-346)
2009 йил
12 январь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

1. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 январдаги ПҚ–1028-сон қарори
2. «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 январдаги ПҚ–1030-сон қарори

Учинчи бўлим

3. «ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги 1-сон қарори

5. «Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 январдаги 6-сон қарори

Бешинчи бўлим

6. «Фонд дўконларини ташкил қилиш, улар томонидан қимматли қоғозлар билан битимлар тузиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 23 декабрдаги 01/23-18/21-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 278-1*)
7. «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган транспорт воситаларини божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисида вақтинчалик йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 19 декабрдаги 33/1315, 01-02/12-60-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 380-1*)
8. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2008 йил 21 ноябрдаги 273-В-3, 108-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1548-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 3 январдан 9 январгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

1 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳукумати ўртасида 2008 йил 18 ноябрь куни Ар-Риёд шаҳрида имзоланган иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш ва даромад ҳамда капитал солиғи тўлашдан бўйин товлашни бартараф қилиш тўғрисидаги Конвенция тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 5 январь,
ПҚ-1028-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**2 Тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш
ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида» 2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ–163-сон Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сонли қарори билан тасдиқланган тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 30-банди қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«акциядорлик жамиятлари бўлган юридик шахслар бўйича — қимматли қозғалар бозорини мувофиқлаштириш ваколатига эга давлат органига»; тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчисининг хизмати (Ш.Х. Файзиев) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 5 январь,
ПҚ–1030-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

3 ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 26 декабрдаги ПҚ-1023-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Республика ОИТСга қарши кураш маркази тузилмаси ва минтақавий марказларнинг намунавий тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

ОИТСга қарши кураш марказлари тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

2009 — 2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар миллий режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар 2009 — 2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар миллий режасини бажариш учун қабул қилсинлар ва унинг ўз вақтида бажарилишини таъминласинлар.

Белгилансинки, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳар чоракда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссияси мажлисига 2009 — 2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар миллий режасига киритилган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга:

2009-2010 йиллар мобайнида бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро ташкилотларнинг грантлари ва қарзларини жалб этиш ҳисобига Республика ва минтақавий ОИТСга қарши кураш марказларининг замонавий даволаш-диагностика асбоб-ускуналари билан қўшимча равишда жиҳозланишини ва таъмирлаш-реконструкция қилиш ишлари амалга оширилишини;

ОИТСга қарши кураш марказларининг тайёрланган ва юқори малакали мутахассислар билан бутланишини;

ОИВ инфекциясига қарши кураш соҳасида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассисларнинг малакаси доимий ва мунтазам равишда оширилишини назарда тутадиган тизим яратилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

ОИТСга қарши кураш марказлари фаолияти мувофиқлаштирилишини, шунингдек улар томонидан диагностика ва даволашнинг ягона стандартларига риоя этиш назорат қилинишини, даволаш-профилактика муассасалари амалиётига илғор халқаро тажриба ҳисобга олинган ҳолда замонавий тиббиёт технологиялари жорий этилишини;

ОИВ инфекцияси профилактикаси, даволаш, беморларга қараш масалаларини интеграциялашнинг соғлиқни сақлаш амалиётига, барча даволаш-профилактика муассасалари фаолиятига жорий этилишини таъминласин;

чет эл тажрибасини ва аҳоли саломатлиги сақланишини ҳисобга олган ҳолда ОИВ инфекциясини диагностика қилиш ва даволашнинг Ўзбекистонда қўлланаётган методлари самарадорлигини баҳолаш бўйича тадқиқотларни амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.


7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**


Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 5 январь,
1-сон

Республика ОИТСга қарши кураш маркази ТУЗИЛМАСИ



ОИТСга қарши кураш минтақавий марказларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг умумий сони — 956 киши,
шу жумладан:
бошқарув ходимлари — 70,5 киши;
тиббиёт ходимлари — 784,75 киши;
хизмат кўрсатувчи ходимлар — 100,75 киши.

Изоҳ: штатдаги ходимлар сони ҳудуд аҳолиси сонига қараб ўзгариб боради (38 кишидан 126,5 кишигача).

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 5 январдаги 1-сон қарорига
3-ИЛОВА

ОИТСга қарши кураш марказлари тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши кураш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши кураш маркази, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ОИТСга қарши кураш марказлари (кейинги ўринларда Марказлар деб аталади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказлар алоҳида типдаги давлат мустақил ихтисослаштирилган юқумли касалликлар тиббиёт муассасалари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши кураш маркази тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун клиник, ўқув базаси ҳисобланади.

3. Марказлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, ушбу Низомга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига амал қилади.

4. Марказлар фаолияти ОИВ инфекциясига чалинган шахслар профилактикаси, диагностикаси, уларни даволаш, психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг тенглиги тамойилига асосланади.

5. Марказлар мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, ўз номи ёзилган гербли муҳрга, шунингдек фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа белгиларга эга бўлади.

II. Марказларнинг мақсад ва вазифалари

6. Қўйидагилар Марказларни ташкил этиш ва улар фаолиятининг мақсадлари ҳисобланади:

аҳолига ОИВ/ОИТС диагностикаси, уни даволаш ва унинг профилактикаси бўйича ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш;

тиббиёт муассасаларига ОИВ инфекцияси профилактикаси, диагностикаси ва уни даволашнинг замонавий усуллари жорий этилишини методик таъминлаш.

7. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги-

нинг Республика ОИТСга қарши кураш марказининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ОИТСга қарши кураш минтақавий марказлари фаолиятига ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш;

ОИВ инфекцияси ва қўшимча касалликлар тарқалишининг олдини олишга йўналтирилган профилактик, эпидемияга қарши, диагностика, даволаш тадбирларини амалга ошириш;

ОИВ инфекцияси юқиши интенсивлигига таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш ва уларнинг фаоллигини баҳолаш бўйича махсус эпидемиологик тадқиқотлар ўтказиш;

ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга уларнинг саломатлигини ва меҳнатга лаёқатини сақлаш учун зарур бўлган диагностика ва тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек ОИВ/ОИТС ва қўшимча касалликлар диагностикасини амалга оширувчи муассасаларга тиббий ёрдам кўрсатиш;

профилактика, диагностика ва даволаш тадбирларига ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш;

ОИВ/ОИТСни профилактика, диагностика қилиш ва даволашнинг Ўзбекистонда қўлланаётган методлари самарадорлигини фуқаролар саломатлигини ва миллат генофондини муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва баҳолаш;

ОИВ/ОИТСни диагностика, профилактика қилиш ва даволашнинг инсон саломатлиги учун хавфсиз методларини қўлланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш, маълумотларининг тегишли базасини шакллантириш ва юритиш;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш олиб бориш масалалари бўйича тиббиёт ходимлари, бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда қатнашиш.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ОИТСга қарши кураш марказларининг асосий вазифалари:

ОИТСга қарши кураш маркази фаолият кўрсатаётган ҳудудда ОИВ инфекцияси ва қўшимча касалликлар тарқалишининг олдини олишга йўналтирилган профилактика, эпидемияга қарши, диагностика, даволаш тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

ОИВ инфекциясини лабораторияда диагностика қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш, даволаш-диагностика тадбирлари устидан клиник-лаборатория кузатувини таъминлаш, шунингдек ОИВ инфекцияси ва қўшимча касалликлар диагностикасини амалга оширувчи муассасаларга тиббий ёрдам кўрсатиш;

ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан уларни диспансер кўригидан ўтказиш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун зарур бўлган даволаш тадбирларини амалга ошириш;

жорий эпидемиологик вазият мониторингини олиб бориш, ОИВ инфекцияси юқиши интенсивлигига таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш ва

уларнинг фаоллигини баҳолаш бўйича махсус эпидемиологик тадқиқотлар ўтказиш;

профилактика, диагностика ва даволаш тадбирларига ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш;
аҳоли ўртасида режали тушунтириш ишларини олиб бориш.

III. Марказларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Марказлар белгиланган мақсадларга эришиш ва юкланган вазифаларни бажариш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

ўз фаолиятини ушбу Низомда ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифалар доирасида режалаштириш ва амалга ошириш;
ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ юридик шахслар билан илмий-техник ҳамкорликни амалга ошириш;

ўз балансига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

қонун ҳужжатларига, Марказларнинг мақсади ва вазифаларига зид бўлмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

10. Марказлар:

профилактик, эпидемияга қарши, диагностика, даволаш тадбирларини ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва амалга оширишга;

даволаш-профилактика муассасаларида ОИВ инфекциясининг юқишини олдини олиш бўйича тадбирлар амалга оширилиши, шунингдек даволаш-профилактика муассасаларида амалга оширилаётган ўз вақтида диагностика қилиш ва даволаш тадбирлари сифатли амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб боришга;

ОИВ инфекцияси бўйича вазиятнинг ривожланиши тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилигини ва давлат органлари, юқори ташкилотлар ва назорат органларининг ўз вақтида хабардор қилинишини таъминлашга;

ОИВ инфекцияси тарқалишининг психологик, ижтимоий ва бошқа оқибатларини камайтириш тадбирларини амалга оширишга;

Марказларнинг ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитларини, техника хавфсизлигини, ижтимоий таъминотни ва аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимояни кафолатлашга;

Марказларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ва замонавий тиббиёт техникаси ва энг янги технологиялар билан ривожлантиришга;

Марказларнинг мол-мулкидан аниқ мақсадда фойдаланилишини, уларнинг сақланишини таъминлашга;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ва статистика ҳисоби ва ҳисоботини юритишга мажбур.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика

ОИТСга қарши кураш марказига қўшимча равишда қуйидагилар бўйича мажбуриятлар юкланади:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган клиник стандартларга мувофиқ ОИВ инфекциясига чалинган беморларга юқори малакали ихтисослаштирилган даволаш-профилактика ва стационар ёрдам кўрсатиш, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши кураш марказига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ОИТСга қарши кураш марказларига маслаҳат ёрдами ва ташкилий-методик ёрдам кўрсатиш;

ОИВ инфекцияси масалалари бўйича тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тадбирларини мунтазам ташкил этиш.

IV. Марказларнинг тузилмаси ва фаолиятини бошқариш

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши кураш марказига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши кураш марказига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ОИТСга қарши кураш марказларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош врач раҳбарлик қилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши кураш маркази директорининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда Республика маркази директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари бўлади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши кураш маркази бош врачининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ОИТСга қарши кураш марказлари бош врачларининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари бўлади.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши кураш маркази бош врачлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ОИТСга қарши кураш марказлари бош врачлари белгиланган тартибда Марказларнинг фаолиятига умумий раҳбарлик қиладилар, ишларни ташкил

қиладилар, Марказлар номидан ишончномасиз иш кўрадилар, барча ташкилотларда уларнинг манфаатларини ифодалайдилар, белгиланган тартибда Марказларнинг мол-мулкни тасарруф қиладилар, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузадилар, ишончномалар берадилар, банкларда ҳисоб рақамлари очадилар, молиявий маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланадилар, штатларни тасдиқлайдилар, буйруқлар чиқардилар ва Марказларнинг фаолияти натижалари юзасидан шахсан жавоб берадилар.

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори бўлмаган вақтда унинг вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда унинг ўринбосарларидан бири бажаради.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши кураш маркази, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ОИТСга қарши кураш марказлари бош врачлари бўлмаган вақтда уларнинг вазифаларини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси билан келишган ҳолда уларнинг ўринбосарларидан бири бажаради.

V. Марказларнинг молия-ҳўжалик фаолияти

18. Марказларнинг молия-ҳўжалик фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Марказлар фаолият мақсадларига мувофиқ, белгиланган тартибда ўз мол-мулкига эгалик қиладилар, ундан фойдаланадилар ва уни тасарруф этадилар, бунда бюджет маблағларидан ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлайдилар.

Асосий фондлар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий ресурслар Марказларнинг мол-мулкни ташкил этади.

20. Марказлар асбоб-ускуналар ва мол-мулкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда балансдан чиқариш ҳуқуқига эгадирлар.

21. Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Марказлар фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

VI. Ҳисоб ва ҳисобот

22. Марказлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритадилар ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳам тақдим этадилар, ҳужжатларнинг сақланиши ва келишилган рўйхатга мувофиқ уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб берадилар.

23. Марказларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш соғлиқни сақлаш органлари, солиқ ва молия органлари, давлат бош-

қа органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

VII. Яқунловчи қоидалар

24. Марказлар давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди.

25. Марказларни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**2009 — 2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ
инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар
МИЛЛИЙ РЕЖАСИ**

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Амалга ошириш механизми, кутилаётган натижалар |
|---|---|--|--|---|
| I. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасида профилактик тадбирларни амалга ошириш | | | | |
| 1. | 2009 — 2011 йилларда ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси ва олдини олиш тадбирларининг тармоқ ва ҳудудий режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2009 йил январь | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Мудофаа вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар ва идораларнинг тегишли қарорлари. Барча даражаларда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш бўйича мақсадга йўналтирилган ишларни таъминлаш. |
| 2. | ОИВ/ОИТС тарқалишига қўмаклашадиган жамиятга қарши ҳодисалар (фоҳишабозлик ва гиёҳвандлик)ни тугатишга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва киритиш. | Ишлаб чиқиш — 2009 йил I чорак, амалга ошириш — доимо | Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, бошқа вазирликлар ва идоралар | Республика комиссияси томонидан тасдиқланадиган тадбирлар комплекси. Аҳоли ва айниқса ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Бўлажак авлоднинг носоғлом турмуш тарзи юритишнинг ҳалокатли оқибатлари ҳақидаги билим даражасини ошириш. |
| 3. | Ўзбекистон Республикасида бепул донорлик фаолияти доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш. | Тасдиқланган тадбирлар муддатларига мувофиқ | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Қон инсон хизматида» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус | Қон хавфсизлигини ва қон қисмларининг зарур захирасини таъминлаш. |

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш мuddати | Масъул бажарувчилар | Амалга ошириш механизми, кутилаётган натижалар |
|-----|--|--|---|--|
| | | | таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, ЎзА, Миллий телерадиокомпания, Қизил Ярим ой жамияти | |
| 4. | Тиббиёт муассасаларида қон ва унинг қисмларини сақлаш, қайта ишлаш, транспортда ташиш ва фойдаланиш бўйича йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Буйруқни тасдиқлаш — 2009 йил I чорак, амалга ошириш — доимо | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси | Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи. Тиббиёт муассасаларида қоннинг хавфсизлигини таъминлаш, қон ва унинг қисмларини сақлаш, қайта ишлаш, транспортда ташиш ва фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш. |
| 5. | Ҳомиладор аёлларда ОИВ инфекциясини ўз вақтида аниқлаш ва ОИВ инфекциясининг онадан болага ўтиши профилактикаси бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | Ишлаб чиқиш — 2009 йил I чорак, амалга ошириш — доимо | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи. ОИВ инфекциясига чалинган болалар туғилишининг олдини олиш. |
| 6. | ОИВ билан оғриган оналардан тугилган, диспансер кузатуви остидаги I ёшгача болаларни сут аралашмаси билан таъминлаш тизимини ташкил этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш. | 2009 йил I ярим йиллик | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги | ОИВ инфекциясининг онадан болага ўтишининг олдини олишни таъминлаш. |
| 7. | 2009 йилда ва кейинги йилларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фанлар академиясининг давлат илмий-техник дастурлари ва инновация ишлари дастурлари режасига қуйидагиларга йўналтирилган лойиҳаларни киритиш: — ОИТС ривожланиши ва тарқалишига кўмаклашадиган сабабларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш; — ОИВ/ОИТС диагностикаси ва уни даволашнинг Ўзбекистонда қўлланилаётган методлари самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш; — ОИВ/ОИТСни даволаш учун антиретровирус терапияни қўллашнинг хорижий тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш. | 2009 йил январь, тадқиқотлар ўтказиш — тасдиқланган режага мувофиқ | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига тақдим этиш учун давлат илмий-техник дастурлари ва инновация ишлари дастурлари режаси. ОИВ инфекцияси ва у билан боғлиқ касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш. Тавсиялар билан бирга ОИВ инфекцияси диагностикаси ва уни даволашнинг қўлланилаётган методлари тўғрисида таҳлилий маълумотнома. |

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Амалга ошириш механизми, кутилаётган натижалар |
|--|---|---|---|--|
| II. ОИТСга қарши кураш марказлари ва даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш | | | | |
| 8. | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши кураш маркази ҳузурида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган клиника ташкил этиш. | 2009 йил IV чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи. ОИВ/ОИТСни даволаш бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш. ОИВ/ОИТСга қарши кураш соҳасида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун клиник база ташкил этиш. |
| 9. | Республика ва минтақавий ОИТСга қарши кураш марказларида, идоровий лабораторияларда таъмирлаш-реконструкция ишларини амалга ошириш, уларни замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш. | 2009 — 2011 йиллар мобайнида, алоҳида жадвал бўйича | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Таъмирлаш-реконструкция ишларини амалга ошириш ва жиҳозлаш жадвали. Муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. |
| 10. | Мамлакатимиз корхоналари негизда ОИТСни даволаш учун зарур бўлган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, тиббий мақсаддаги буюмлар ҳамда дори-дармонлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш. | 2009 йил I ярим йиллик | «Ўзфарманоат» давлат концерни, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Таклифлар туркуми. Мамлакатимизда дори-дармонлар ва тиббий буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш. |
| III. ОИВ инфекцияси масалалари бўйича мутахассисларни доимо ва тизимли тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш | | | | |
| 11. | Республика ва минтақавий ОИТСга қарши кураш марказлари раҳбар тиббиёт ходимларини эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш. | 2009 йил I чорак, кейинчалик — ҳар йили | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Аттестация комиссияси таркиби тасдиқланган ва таркибга манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг вакиллари киритилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи. Раҳбарлик лавозимларига юқори малакали мутахассисларни танлашни такомиллаштириш. |
| 12. | Республика ва минтақавий ОИТСга қарши кураш марказлари кадрлар билан таъминланганлигининг ҳолатини ўрганиш ҳамда уларни ҳар томонлама тайёрланган юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш ишларини ташкил этиш. | Ўрганиш — 2009 йил январь-февраль, таъминлаш — жадвалга мувофиқ йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Ўрганиш ва кадрлар билан таъминлаш жадвали. Кадрлар билан таъминлаш бўйича таҳлилий материаллар. Республика ва минтақавий ОИТСга қарши кураш марказларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш. |

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Амалга ошириш механизми, кутилаётган натижалар |
|--|---|---|---|---|
| 13. | Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва республика тиббиёт олий ўқув юр்தларининг врачлар малакасини ошириш факультетлари базасида ОИВ/ОИТС профилактикаси ва даволаш бўйича махсус курслар ташкил этиш. | Ишлаб чиқиш — 2009 йил I чорак, амалга ошириш — ўқув режасига мувофиқ ҳар йили | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Мутахассислар малакасини ошириш режаси. Тиббиёт ходимлари малакасини оширишни таъминлаш. |
| 14. | ОИВ инфекцияси юқиши хавфи юқори бўлган гуруҳлар билан ишлайдиган мутахассислар учун ОИВ инфекцияси, гиёҳвандлик ва жинсий алоқа воситасида юқадиган инфекциялар профилактикаси масалалари бўйича семинарлар ташкил этиш. | Доимо, семинарлар ўтказиш режасига мувофиқ | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | Мутахассислар малакасини ошириш режаси. Хавф юқори бўлган гуруҳлар билан ишлайдиган мутахассисларнинг билим даражасини ошириш. |
| 15. | Тиббиёт коллежлари ва олий ўқув юр்தларининг клиник фанлари ўқув дастурларига ОИВ инфекцияси профилактикаси ва уни даволаш бўйича мавзули блокни киритиш. | Ишлаб чиқиш — 2009 йил I чорак, амалга ошириш — ўқув режасига мувофиқ ҳар йили | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Ўқув режалари. ОИВ инфекцияси профилактикаси ва уни даволаш тўғрисидаги билимларга эга бўлган тиббиёт мутахассисларини тайёрлашни таъминлаш. |
| IV. ОИВ инфекцияси профилактикаси масалалари бўйича тизимли ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш | | | | |
| 16. | ОИВ инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиш. Аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш. | Мунтазам равишда, режага мувофиқ | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ижтимоий фикр» маркази, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти | Социологик тадқиқотлар ўтказиш жадвали. Тавсиялар билан биргаликда социологик тадқиқотлар натижалари бўйича таҳлилий материаллар. |
| 17. | Куйидагиларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун киритиш: — юқумли касалликлар профилактикаси, шахсий гигиена масалалари бўйича ўқув қўлланмалари, ўқув-методик, таълим материаллари, ўқув фильмлари тайёрлаш бўйича таклифлар; — Ўзбекистон халқининг менталитети, маънавий-ахлоқий негизлари ва анъанавий қадриятларини ҳисобга оладиган аҳоли ўртасида ОИВ/ОИТС профилактикаси масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш бўйича методик тавсиялар; | Ишлаб чиқиш — 2009 йил I ярим йиллик, амалга ошириш — тасдиқланган тадбирлар режасига мувофиқ | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, ўқув юр்தларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жағғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий | Тавсиялар, ўқув қўлланмалари, ўқув фильмлари, ахборот-таълим материаллари. Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг тавсияларига мувофиқ ўқув-методик, ахборот-таълим материаллари ва қўлланмалар мазмунини такомиллаштириш ва сифатини ошириш. Ёшларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ОИВ инфекцияси профилактикаси масалалари бўйича билимлари даражасини ошириш. |

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Амалга ошириш механизми, кутилаётган натижалар |
|---|---|---|--|--|
| | — умумтаълим мактаблари, тиббий ихтисосликдан бошқа олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқув дастурларига юқумли касалликлар профилактикаси, шахсий гигиена масалалари бўйича соатлар жорий этиш бўйича таклифлар. | | ҳаракати, Миллий телерадиокомпания | |
| 18. | Оммавий ахборот воситаларида маънавий бой, жисмоний соғлом ва уйғун ёшларни камол топтиришга йўналтирилган ОИТС профилактикаси масалалари бўйича тушунтириш ишларини ташкил этиш. | Доимо, тасдиқланган ёритиш режасига мувофиқ | Миллий телерадиокомпания, ЎЗА, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси | Ёритиш режаси. Аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш. |
| V. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасидаги фаолиятни амалга ошираётган халқаро ва хорижий ташкилотлар билан мустақкам ўзаро ҳамкорликни ва ишларни мувофиқлаштиришни таъминлаш | | | | |
| 19. | ОИВ/ОИТС профилактикаси, диагностикаси ва уни даволаш масалалари бўйича илғор тажрибани ўрганиш учун мутахассисларнинг чет элга сафарларини ташкил этиш. | Мунтазам равишда, режага мувофиқ | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги | Мутахассислар малакасини ошириш жадвали. Тажриба айирбошлаш, мутахассислар малакасини ошириш. |
| 20. | ОИВ инфекцияси профилактикаси, диагностикаси ва уни даволаш масалалари бўйича тажриба алмашиш мақсадида хорижий мамлакатларнинг мутахассислари иштирокида конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш. | 2009 — 2011 йиллар, конференциялар ўтказиш режасига мувофиқ | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Ноҳукумат, нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси | Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи. Конференциялар материаллари. |
| 21. | Халқаро ва хорижий ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига Ўзбекистонда амалга оширилаётган ОИТСга қарши кураш соҳасидаги лойиҳалар ва дастурларни мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Ишлаб чиқиш — 2009 йил I ярим йиллик | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти | Мониторинг олиб бориш тартиби тасдиқланган ҳолда комиссиянинг мажлиси қарори. Лойиҳалар ва дастурларни мувофиқлаштиришни ҳамда уларнинг самарали амалга оширилиши устидан назоратни таъминлаш. |
| 22. | ОИВ/ОИТСга, сил ва безгакка қарши кураш бўйича глобал жамғарманинг дастурларини амалга ошириш самарадорлигини ва унинг грант маблағларидан мақсадли фойдаланилишини ўрганиш. | 2009 йил II чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги | Тавсиялар билан биргаликда таҳлилий материаллар. Лойиҳалар амалга оширилиши самарадорлигини ошириш. |

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 5 январдаги 1-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика фавқулодда эпидемияга қарши курашиш комиссиясининг ОИТС/ОИВ (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми/ОИВ касаллиги) эпидемияси тарқалишига қарши курашиш стратегик дастурини мувофиқлаштириш бўйича кичик комиссияси тўғрисида» 2003 йил 14 майдаги 214-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Олий ва ўрта махсус таълим вазири бошчилик қиладиган республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 4 ноябрдаги 519-сон қарорига 8-илова.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

5 Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 8 январь,
6-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 8 январдаги 6-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп
моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан
боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига мувофиқ наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишга лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликларни етиштиришга татбиқ этилмайди.

2. Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишга лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар чораклик ва йиллик ҳисоботлар тақдим этадилар.

Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишга лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар ўз фаолияти тўғрисида (ишлаб чиқарилган, тайёрланган, олиб келинган (олиб кетилган), сотилган, фойдаланилган наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар миқдори тўғрисида) ушбу Низомга 1 — 6-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича чораклик ҳисоботни ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 25-қунидан кечикмасдан, йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25-январигача бўлган муддатда тақдим этадилар.

Ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори

воситалари ва тиббий техникалар сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг Наркотик воситаларни назорат қилиш қўмитасига бевосита ёки почта алоқа воситаси орқали буюртма хат билан тақдим этилади. Ушбу ҳолатда почта штемпелида қўйилган сана ҳисоботни тақдим этиш санаси ҳисобланади.

Юридик шахслар чораклик ва йиллик ҳисоботлари нусхаларини ўзининг юқори ташкилотига тақдим қилишлари лозим.

II. Юридик шахслар томонидан ҳисоботларни тақдим этиш тартиби

3. Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар сотиш (бериш)га лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича сотилган (берилган) ҳар бир наркотик восита, психотроп модда ва прекурсор миқдори ва уларнинг ҳисобот даври охиридаги ҳолатига кўра қолдиғи тўғрисида чораклик ва йиллик ҳисоботлар тақдим этадилар.

4. Наркотик воситалар ва психотроп моддалар ишлаб чиқарувчилар, тайёрловчилар ҳисобланган ҳамда уларни сотишга лицензияси бўлган юридик шахслар ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳар бир сотилган наркотик восита ва психотроп модда миқдори ва уларнинг ҳисобот даври охиридаги ҳолатига кўра қолдиғи тўғрисида чораклик ва йиллик ҳисоботлар тақдим этадилар.

5. Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланган ҳолда комбинацияланган дори-дармонлар ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотишга лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботлар тақдим этадилар.

6. Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлардан тиббиётда ва ветеринарияда фойдаланишга лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича фойдаланилган ҳар бир наркотик восита, психотроп модда ва прекурсор миқдори ва уларнинг ҳисобот даври охиридаги ҳолатига кўра қолдиғи тўғрисида чораклик ва йиллик ҳисоботлар тақдим этадилар.

7. Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланишга лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича фойдаланилган ҳар бир наркотик восита, психотроп модда ва прекурсор миқдори ва уларнинг ҳисобот йил якуни ҳолатига кўра қолдиғи тўғрисида йиллик ҳисобот тақдим этадилар.

8. Прекурсорлар ишлаб чиқаришга, шунингдек улардан ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун фойдаланишга лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича прекурсорларнинг муомалада бўлиши бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботлар тақдим этадилар.

9. Юридик шахслар улар қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдир-

да охириги ҳисоботлар тақдим қилинган вақтдан бошлаб ва қайта ташкил этилган ёки тугатилган вақтгача бўлган давр учун ҳисоботларни, шу жумладан қайта ташкил этилган ва тугатилган кундаги ҳолатига кўра наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг захиралари тўғрисида маълумотлар тақдим этадилар.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техникалар сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг Наркотик воситаларни назорат қилиш қўмитаси киритилган ҳисоботлар асосида йиғма ҳисобот тузади ва уни илова қилинаётган шакллар бўйича Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясига ва Давлат комиссияси билан келишган ҳолда БМТ Наркотик моддалар устидан назорат қилиш Халқаро қўмитаси томонидан белгиланган тартибда ва шакл бўйича Халқаро қўмига тақдим этади.

III. Якуний қоидалар

11. Мазкур Низомда назарда тутилган маълумотлар тақдим этмаганлиги ва тақдим этиш муддатларини бузганлиги, шунингдек нотўғри ҳисобот маълумотлари берганлиги учун юридик шахслар раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техникалар сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг Наркотик воситаларни назорат қилиш қўмитасига тақдим этиладиган маълумотлар махфий ҳисобланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

5-МОНДА

20__й. _____ да наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар сотилиши (берилиши) тўғрисида ҳисобот

(юридик шахснинг номи, СТИР коди)

| Наркотик восита, психотроп модда, прекурсор номи, дори шакли, дозировкаси | Ўлчов бирлиги | Ҳисобот даври бошидаги қолдиқ | Кирим | Ҳисобот даврида сотилгани (берилгани) | Ҳисобот даври охиридаги ҳолатига кўра қолдиқ |
|---|---------------|-------------------------------|-------|---------------------------------------|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

Изоҳ:

Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар сотиш (бериш) бўйича ҳисобот шакли ҳар бир тур бўйича алоҳида тўлдирилади.

Ўлчов бирлиги: ампулалар, флаконлар, шприц-тюбиклар, таблеткалар, шамдорилар, трансдермал пластирлар, прекурсорлар учун — г (мл).

Юқори ташкилоти бўлган юридик шахслар ҳисоботни ўзларининг юқори ташкилотлари орқали тақдим этишлари мумкин.

20__й. «__»_____ М.Ў.

Ижрочининг фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами _____

Ташкилот раҳбари _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Моддий жавобгар шахс _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

— 24 —

1-2 (345-346) -сон

Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

20__ й. _____ да наркотик воситалар ва психотроп моддалар ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи корхоналар ҳисоботи

(юридик шахснинг номи, СТИР коди)

| Наркотик восита ва психотроп модда субстанцияси номи | Тайёр маҳсулотнинг номи, дори шакли, дозировкаси | Тайёр маҳсулотнинг ўлчов бирлиги | Ҳисобот даври бошидаги қолдиқ | | Ҳисобот давридаги субстанция кирими | Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш учун фойдаланилган субстанция | Субстанциянинг табиий камайиши | Ҳисобот даврида сотилган тайёр маҳсулот | Ҳисобот даври охиридаги субстанция қолдиғи | Ҳисобот даври охиридаги тайёр маҳсулот қолдиғи |
|--|--|----------------------------------|-------------------------------|----------------|-------------------------------------|---|--------------------------------|---|--|--|
| | | | суб-станция | тайёр маҳсулот | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |

Изоҳ:

Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг муомалада бўлиши бўйича ҳисобот шакллари хар бир тур бўйича алоҳида тўлдирилади.

Юқори ташкилоти бўлган юридик шахслар ҳисоботни ўзларининг юқори ташкилотлари орқали тақдим этишлари мумкин.

20__ й. «__» _____ М.Ў.

Ижрочининг фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами _____

Ташкилот раҳбари _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Моддий жавобгар шахс _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

20__й. _____ да наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланган ҳолда комбинацияланган дори-дармонлар ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотиш тўғрисида ҳисобот

(юридик шахснинг номи, СТИР коди)

| Наркотик восита, психотроп модда ва прекурсор субстанцияси номи | Тайёр маҳсулотнинг номи, дори шакли, дозировкаси | Тайёр маҳсулотнинг ўлчов бирлиги | Ҳисобот даври бошидаги қолдиқ | | Ҳисобот давридаги субстанция кирими | Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш, тайёрлаш учун фойдаланилган субстанция | Субстанциянинг табиий камайиши | Ҳисобот даврида сотилган тайёр маҳсулот | Ҳисобот даври охиридаги субстанция қолдиги | Ҳисобот даври охиридаги тайёр маҳсулот қолдиги |
|---|--|----------------------------------|-------------------------------|----------------|-------------------------------------|---|--------------------------------|---|--|--|
| | | | суб-станция | тайёр маҳсулот | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |

Изоҳ:

Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланган ҳолда комбинацияланган дори-дармонлар ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотиш тўғрисидаги ҳисобот шакллари дори-дармоннинг ҳар бир тури бўйича алоҳида тўлдирилади.

Юқори ташкилоти бўлган юридик шахслар ҳисоботни ўзларининг юқори ташкилотлари орқали тақдим этишлари мумкин.

20__й. «__» _____ М.Ў.

Ижрочининг фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами _____

Ташкилот _____
раҳбари (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Моддий жавобгар шахс _____
(Ф.И.О.) _____ (имзо)

Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

20__ й. _____ да наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлардан тиббиётда ва ветеринарияда фойдаланиш тўғрисида ҳисобот

(юридик шахснинг номи, СТИР коди)

| Наркотик восита, психотроп модда ва прекурсор номи, дори шакли дозировкаси | Ўлчов бирлиги | Алоҳида ҳар бир тур бўйича йиллик эҳтиёж | Ҳисобот даври бошидаги қолдиқ | Кирим | Чиқим | Ҳисобот даври охиридаги қолдиқ |
|--|---------------|--|-------------------------------|-------|-------|--------------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |

Изоҳ:

Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш бўйича ҳисобот шакллари ҳар бир тур бўйича алоҳида тўлдирилади.

Юқори ташкилоти бўлган юридик шахслар ҳисоботни ўзларининг юқори ташкилотлари орқали тақдим этишлари мумкин, хусусий даволаш-профилактика муассасалар ва дорихоналар ҳисоботларни вилоятлар соғлиқни сақлаш бўлимларининг Доимий фаолият кўрсатувчи комиссиялари орқали тақдим этадилар.

20__ й. «__» _____ М.Ў.

Ижрочининг фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами _____

Ташкилот раҳбари _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Моддий жавобгар шахс _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

5-МОЛДА

20__ й. _____ да наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланиш тўғрисида ҳисобот

(юридик шахснинг номи, СТИР коди)

| Наркотик восита, психотроп модда ва прекурсор номи, дори шакли дозировкаси | Ўлчов бирлиги | Алоҳида ҳар бир тур бўйича йиллик эҳтиёж | Ҳисобот даври бошидаги қолдиқ | Кирим | Чиқим | Ҳисобот даври охиридаги қолдиқ |
|--|---------------|--|-------------------------------|-------|-------|--------------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |

Изоҳ:

Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш бўйича ҳисобот шакллари ҳар бир тури бўйича алоҳида тўлдирилади.

Юқори турувчи ташкилоти бўлган юридик шахслар ҳисоботни ўзларининг юқори турувчи ташкилотлари орқали тақдим этишлари мумкин.

20__ й. «__» _____ М.Ў.

Ижрочининг фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами _____

Ташкилот _____
раҳбари (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Моддий жавобгар шахс _____
(Ф.И.О.) _____ (имзо)

— 28 —

1-2 (345-346)-сон

Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

20__ й. _____ да прекурсорларнинг муомалада бўлиши бўйича ҳисобот

(юридик шахснинг номи, СТИР коди)

| Т/р | Прекурсор номи | Ўлчов бирлиги | Ишлаб чиқарилган ва олиб келинган | | | | | Истеъмолчиларга жўнатилгани (сотилгани) | | Ўз эҳтиёжи учун сарфлангани | Табиий камайиши | Ишлаб чиқариш жараёнидаги йўқотиш | Ҳисобот даври охиридаги қолдиқ |
|-----|----------------|---------------|-----------------------------------|-----------------------------------|--------|---------------------------------|--|---|-----------|-----------------------------|-----------------|-----------------------------------|--------------------------------|
| | | | ҳисобот даври бошидаги қолдиқ | ҳисобот даврида ишлаб чиқарилгани | импорт | республика ичида сотиб олингани | қолдиқ билан бирга давр мобайнида жами кирим | шу жумладан | | | | | |
| | | | | | | | | ички бозорга | экспортга | | | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 1. | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | | | | | | |
| 3. | | | | | | | | | | | | | |
| 4. | | | | | | | | | | | | | |
| 5. | | | | | | | | | | | | | |

Изоҳ:

Юқори ташкилоти бўлган юридик шахслар ҳисоботни ўзининг юқори ташкилотлари орқали тақдим этадилар.

20__ й. «__» _____ М.Ў.

Ижрочининг фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами _____

Ташкилот раҳбари _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Моддий жавобгар шахс _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

6 **Фонд дўконларини ташкил қилиш, улар томонидан қимматли қоғозлар билан битимлар тузиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 278-1

(2009 йил 14 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) 63-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан 1996 йил 27 августда тасдиқланган «Фонд дўконларини ташкил қилиш, улар томонидан қимматли қоғозлар билан битимлар тузиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги низом (1996 йил 28 август, рўйхат рақами 278) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулкини бошқариш
давлат қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 23 декабрь,
01/23-18/21-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

7 Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб
чиқиладиган транспорт воситаларини божхонада рас-
мийлаштириш тартиби тўғрисида вақтинчалик йўриқномани
ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 380-1*

(2009 йил 14 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қо-
нунининг 6-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 11 августдаги 180-сонли «Вазирлар Маҳкамасининг «ЎЗДЭУавто»
АЖ маҳсулотини экспорт қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғри-
сида» 1997 йил 17 июндаги 302-сон қарорини ўз кучини йўқотган деб ҳисоб-
лаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона
қўмитаси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳуду-
дидан олиб чиқиладиган транспорт воситаларини божхонада расмийлашти-
риш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик йўриқнома (1997 йил 25 декабрь,
рўйхат рақами 380) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан
келишилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат
рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Ички ишлар вазири

Тошкент ш.,
2008 йил 19 декабрь,
33/1315-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 19 декабрь,
01-02/12-60-сон

Б. МАТЛЮБОВ

С. НОСИРОВ

Келишилган:

*Молия вазири**Р. АЗИМОВ**Тошкент ш.,
2008 йил 19 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

8 Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъект-
ларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Мик-
рокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар
бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча-
лар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1548-3*

(2009 йил 15 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марка-
зий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Микро-
молиялаштириш тўғрисида»ги қонунларига асосан Ўзбекистон Республика-
си Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджет-
дан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисо-
бидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга (2006 йил 21 фев-
раль, рўйхат рақами 1548 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари
тўплами, 2006 йил, 8-сон, 60-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшим-
чалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат
рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кири-
тилсин.

Марказий банк раиси**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2008 йил 21 ноябрь,
273-В-3-сон

Молия вазири**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2008 йил 21 ноябрь,
108-сон

Марказий банк Бошқаруви ва Молия
вазирлигининг 2008 йил 21 ноябрдаги
273-В-3, 108-сонли қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига
бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк»
кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш
тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 28-банд қуйидаги тахрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:
«ёш оилалар»

2. 39-банднинг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Монополиядан
чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси,
Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан
келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.*

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 20 ноябрь

*Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 20 ноябрь

Савдо-саноат палатаси раиси

А. ШАЙХОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 20 ноябрь

*Ўзбекистон фермер хўжаликлари
уюшмаси раиси*

А. АРИПОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 20 ноябрь*

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 3 январдан 9 январгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Фонд дўконларини ташкил қилиш, улар томонидан қимматли қорозлар билан битимлар тузиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 23 декабрдаги 01/23-18/21-сонли қарори.*

2009 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 278-1 (2009 йил 14 январдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган транспорт воситаларини божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисида вақтинчалик йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 19 декабрдаги 33/1315, 01-02/12-60-сонли қарори.*

2009 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 380-1 (2009 йил 14 январдан кучга киради).

3. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2008 йил 21 ноябрдаги 273-В-3, 108-сонли қарори.*

2009 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1548-3 (2009 йил 15 январдан кучга киради).

II. Давлат реестрдан чиқарилди:

1. Фонд дўконларини ташкил қилиш, улар томонидан қимматли қорозлар билан битимлар тузиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 278, 1996 йил 28 август).*

Адлия вазирининг 2009 йил 4 январдаги 1-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган транспорт воситаларини божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги вақ-

тинчалик йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 380, 1997 йил 25 декабрь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 4 январдаги 2-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Газни қайта ишлаш завод ва корхоналари учун хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

2. «Нефть ва газ саноатида бурғулаш ускуналарига бўлган хавфсизлик талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

3. «Хавфли ишлаб чиқариш объектлари учун конвейер ленталарига ва синов усулларига бўлган хавфсизлик нормаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

4. «Лак-бўёқ ишлаб чиқаришлар учун хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

5. «Босим остидаги суюлтирилган углеводородли газлар ва тез алангаланувчи суюқликлар омборхоналари учун хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

6. «Қудуқларда портлатиб-тешиш ишларини олиб бориш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

7. «Пўлат резервуарларни техник ишлатишга оид қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

8. «Суюлтирилган углеводород газларидан фойдаланувчи объектлар учун хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг

